

ТАНИҚЛИ УЛАМОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШРИФ МАНЗИЛИ - БУХОРО



16:20 / 07.09.2021 1714

Бугун, 7 сентябрь куни юртимиздаги бир гуруҳ таниқли уламоларнинг Бухоро вилоятига ташрифи бошланади.

Сафар давомида маънавий-маърифий учрашувлар, олис ва чекка ҳудудлардаги аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар, таниқли уламолар иштирокида жоме масжидларда суҳбатлар ўтказилиши ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишларни амалга ошириш мақсад қилинган.

Уламоларимиз **пешин ва аср намозларини қуйидаги масжидларда** адо этиб, маърифий суҳбат қилиб берадилар:

Бухоро шаҳридаги **“Болои Ҳовуз”** ва **“Дилкушо”** масжидларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари

Ҳомиджон қори Ишматбеков;

Бухоро шаҳридаги “Сайфиддин Боҳарзий” ва Бухоро туманидаги “Имом Бухорий” масжидларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси **Салоҳиддин домла Шарипов;**

Бухоро шаҳридаги “Пири Дастгир” масжидига (пешинга) Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирини **Алижон қори Ҳайдаров;**

Бухоро шаҳридаги “Умар ибн Хаттоб” ва Бухоро туманидаги “Чор Бакр” масжидларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими **Аброр домла Мухтор Алий;**

Бухоро шаҳридаги “Халифа Худойдод” ва “Абу Хафси Кабир” масжидларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирини **Эрдон домла Эсонов;**

Бухоро шаҳридаги “Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий” ва Когон туманидаги “Сайид Амир Кулол” масжидларига Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосарини **Абдуқаҳҳор домла Юнусов;**

Бухоро шаҳридаги “Баланд” масжидига (пешинга) Юнусобод тумани бош имом-хатибин **Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов;**

Бухоро шаҳридаги “Хўжа Ориф Мохитобон” ва Бухоро туманидаги “Хитоён” масжидларига Олмазор тумани бош имом-хатибин **Абдулло домла Юлдашев;**

Бухоро шаҳридаги “Хиёбон” ва “Шоҳ Ахсавий” масжидларига Тошкент шаҳар “Шайх Зайниддин” масжиди имом-хатибин **Яҳё домла Абдурахмонов;**

Бухоро шаҳридаги “Волидаи Абдулазизхон” ва Когон туманидаги “Баҳоуддин Нақшбанд” масжидларига Тошкент шаҳар “Убай ибн Каъб” масжиди имом-хатибин **Абдуҳаким қори Матқулов;**

Бухоро шаҳридаги “Абу Бакр ас-Сиддиқ” ва Когон туманидаги “Ҳожи Салим” масжидларига Тошкент шаҳри “Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф” масжиди имом-хатибин **Исмоил домла Муҳаммад Содик;**

Бухоро шаҳридаги “Хўжа Абдуллоҳ Сафедмуй” ва Бухоро туманидаги “Имом Аъзам” масжидларига Тошкент шаҳри “Ракат” масжиди имом-

хатиби **Роббимқул домла Муҳаммадиев;**

Бухоро шаҳридаги “Хўжа Таббанд” ва “Тагбанд Бофон” масжидларига Тошкент шаҳар “Доруломон” масжиди имом-хатиби **Абдуҳамид домла Жуманов;**

Бухоро шаҳридаги “Баланд” масжидига (асрга) Тошкент шаҳар “Ҳазрати Имом” масжиди имом-хатиби **Ҳабибуллоҳ домла Абдураззоқов;**

Бухоро шаҳридаги “Хўжа Исмат” ва Бухоро туманидаги “Усмон ибн Аффон” масжидларига Тошкент шаҳар “Ал-Ҳудайбия” масжиди имом хатиби **Муродулла домла Хуназаров;**

Бухоро шаҳридаги “Пойи Остона” ва Когон шаҳридаги “Алишер Навоий” масжидларига Тошкент шаҳар “Омина” масжиди имом-хатиби **Юсуфхон домла Муҳиддинов;**

Бухоро шаҳар “Масжиди Калон” ва Когон шаҳридаги “Ҳазрати Билол” масжидларига Тошкент шаҳар “Яккасарой” масжиди имом-хатиби **Салоҳиддин домла Ташанов;**

Бухоро шаҳридаги “Хўжа Зайниддин” ва Жондор туманидаги “Абдуллоҳ ибн Аббос” масжидига Тошкент шаҳар “Доруссалом” масжиди имом-хатиби **Муҳаммадраҳим домла Абдуқодиров;**

Бухоро шаҳридаги “Махмуд Таробий” ва Қоровулбозор туманидаги “Абдуллоҳ ибн Муборак” масжидларига Тошкент шаҳар “Тўра бува” масжиди имом-хатиби **Шавкат домла Ҳамдамов;**

Бухоро шаҳридаги “Ойбиноқ” ва Жондор туманидаги “Самончуқ” масжидларига Тошкент шаҳар “Минор” масжиди имом хатиби **Фозилжон домла Убайдуллаев.**

Қолаверса, ушбу мулоқот ва тадбирларда Диний соҳа раҳбарлари ва мутасадди вакилларлар ҳам иштирок этиши режа қилинган.

Аллоҳ таоло вилоятимизга уламоларимиз сафарини хайрли ва манфаатли қилсин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати